



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Андижон вилояти ҳудудий бирлашмаси ташаббуси билан «Истеъмолчи мафозати ҳамisha устувор» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуни мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тартиб қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳофизат қилинди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Гулистонда тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» таъминлаш бўйича давлат хизмати кўрсатиш тартиби ва унинг аҳамияти, яратилаётган қўлайлик ва имкониятлар масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси, «UNICON.UZ» давлат унитар корхонаси томонидан ташкил этилган тадбирда ijgo.uz — Идорадор электрон ҳамокорлик тизимида фойдаланувчи «Ягона дарча» марказлари, корхона-ташқиловлар раҳбарлари ва мусул ҳодимлари иштирок этди. «Ягона дарча» марказлари фаолиятининг самарали ташкил қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари давлат хизматларидан фойдаланишни янада соддалаштириш бороборида давлат ташкилотлари очиқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Термизда «Таълим ва мутахассислик» кўргазмаси ҳамда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Каналот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-ҳунари ва халқ таълими, меҳнат бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда корхона, ташқилов ва мусассалар вакиллари, Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари, талабалар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имконият

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИГА ИХТИСОСЛАШГАН «WORLDFOOD UZBEKISTAN — 2016» ВА «AGROWORLD UZBEKISTAN — 2016» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРИ ОЧИЛДИ.

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, «Ўзбекизоқовқатҳолдинг» холдинг компанияси, «ТЕ Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирларнинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳаси ва озиқ-овқат саноатида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Бу жараёнда ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг татбиқ этилаётгани муҳим ўрин тутмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 15 майдаги «Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, бошқа қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар соҳани янада ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ишлар самарасида 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорларига экспорт қилинаётган. Сўнгги уч йилда ташқи бозорга йўналтирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уч баробардан ошди. Озиқ-овқат товарларини аҳолига узлуksиз етказиб бериш, сифати ва хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда. Мисол учун, 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат, хусусан, гўшт, сут, қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги кунга келиб

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи юртимизда етиштирилмоқда.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўн таққиб давлат қаторида туради. 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 корхона, 77 минг 800 тонна сизимга эга 114 янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса йил давомида нархларнинг мавсумий ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуksиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш имконини бермоқда. Кўргазмаларда Хитой, АҚШ,



Франция, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Португалия, Нидерландия, Австрия, Бельгия, Болгария, Дания, Польша, Швеция, Словакия, Литва, Индонезия, Малайзия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари каби 28 мамлакатдан бир юз олтмишдан

зиёд компания иштирок этмоқда. «WorldFood Uzbekistan» ва «AgroWorld Uzbekistan» кўргазмалари озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, совутиш ҳамда ресторан

ускуналари, қадоклар ва қадоклаш технологиялари, паррандачилик, чорвачилик, ветеринария, донни қайта ишлаш ва сақлаш, омихта ем ишлаб чиқариш учун ускуналар, қишлоқ хўжалиги техникасига оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

»(2).

Ташаббус — 2016



Наманганда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус — 2016» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ташаббуснинг муносиб рағбати

Унда 36 тадбиркор ҳамда 20 дан зиёд хунарманд иштирок этди. «Мусаффо полимер» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ахрор Халилов «Энг яхши тадбиркор» йўналишида голиб бўлди. Баҳодир Қазақов эса «Энг яхши хунарманд» номинациясига сазовор бўлди. Шунингдек, «Энг яхши ёш тадбиркор», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиб» сингари қўшимча номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

СУРАТДА: «Ташаббус — 2016» кўрик-танлови Наманган шаҳар босқичининг «Энг яхши тадбиркор» йўналиши 2-ўрин соҳибаси Нозима Абдусаматова.

ЎЗА фотомухбири Хотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

Наврўз — 2016

Тинчлик, тотувлик, она табиатга муҳаббат айёми

Оқабатган вақтин тўхтаб бўлмайди. Лекин одамизод ер юзиде бини бўлибди, ўзи яшаётган жой, атрофини ўраб турган олам, осмон ёриткичларидан улғу олиб, қуёшнинг чиқиб ботишидан кун ва туниги ажралишини, ойнинг тўлиб қамайишидан ҳафта, ойларнинг янгилалиниши, фасаларнинг алмашилишидан йилнинг якунлаганини англаган. Кун ва туни тенг келувчи дам янги йил бошланишидан дарак эканлигини идрок этиб байрам қилган. Улғу алома Абу Райҳон Берунийнинг: «Бу кун — фаршталар қадрайдиган кундир, чунки шу кун фаршталар яратилган. Бу кунни пайғамбарлар ҳам қадрайди, чунки шу кун қуёш яратилган. Бу кунни тошлар ҳам қадрайди, чунки бу кун йилнинг биринчи кунидир», — деб ёзгани бежиз эмас.

Наврўз ана шу тажрибалар, билимларнинг меваси. Бу билим ва тажрибалар авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб, маросим таркибидаги ҳар бир ҳаракат, айтим, қўшиқ, рақс, кўпдан-кўп образлар рамзий-тимсоллий шаклда қандайдир фикрни, ахборотни, билим ва тажрибанинг қуйма хулосаларини ифодалаб келган.

Вақт оқимида ёз ва қишнинг мавсумий ўрин алмашилиши ўлиб тирилувчи табиат ҳақидаги мифологик дунёқарашларда яхлит тизим сифатида акс этади, маросим моҳиятини ташкил қилади. Аввало,

кўкда қишқик уйқуга кетган табиатнинг уйғониши, бу ҳодисаларнинг илк даракчилари — бойчечакнинг очилиши, лайлакнинг келиши, Хўлқар юлдуз туркумининг ботиб, Қамбарнинг чиқishi, ҳамма-хаммаси тун ва кун тенг келувчи илоҳий дам — Наврўз даракчиси бўлишган. «Лайлак келди, ёз бўлди», «Бойчечак бойланди, Қозон тўла айронди, Айроннингдан бермасанг, Қозон товонгн вайронди...», «Тепдим сандиқ очилди, Тўрга бодом сочилди...» каби айтим-қўшиқлар мағзида ана шу муждалар турибди.

»(3).

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Болалар соғломлаштирилади

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондига қарашли тиббий-ижтимоий марказда болалар германиялик мутахассислар иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саноатининг мустахкамлаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофизат қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида касалликларнинг олдини олиш, болаларни соғломлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқ-

ро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташқиловчи ҳамкорлигида соғлиқда нуқсон бор болалар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда, зарур ҳолларда Германия клиникаларида даволанмоқда.

Мазкур ҳамкорлик доирасида пойтахтимизда ташкил этилган навбатдаги кўриқда Тошкент шаҳри, Тошкент, Фар-

гона, Андижон, Наманган вилоятларидан келган болалар тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда болалар саломатлиги қаратилаётган эътибор таҳсинга сазовор, — дейди «Friedensdorf International» халқаро ташқиловчи ижтимоий ёрдам дастурлари координатори Мария Тиннефельд. — Юртингизда тиббиёт ривожланиши, шифохоналар замонавий технологиялар билан таъминлангани тиббий кўриқларни самарали ўтказиш, болаларни тўла соғломлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонлик ҳамкасблари-

миз билан ҳамкорлигимиз мустахкамланганда, оналик ва болаликни муҳофизат қилишда олижаноб ишга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандимиз.

— Улғим оёқларинг ривожланмаслиги хасталиги билан туғилган, — дейди андижонлик Мактуба Хайитова. — Шифокорлар фарзандимнинг оёқларини операция йўли билан даволаш мумкинлигини айтди. Хар бир фарзандга алоҳида ғамхўрлик қилиб, оналаримизнинг бахтини бутун қилаётган Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Германиялик мутахассислар Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам тиббий кўриқлар ўтказди. Жарроҳлик амалиёти зарур деб топилган болалар Германия клиникаларида даволаниш учун юборилади.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири



Байрам шуқуҳи

>> 2



Кўтаринки руҳда

>> 2



Коинотдаги энг йирик объект

>> 3

Ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имконият

«1».

— Компаниямиз мева-сабзавотларни етиштиришга ихтисослашган, — дейди Италиянинг «Mazzoni Group» компанияси минтақавий менежери Антонио Феррареси. — Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотлар мазаси, табиийлиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Мамлакатингиз корхоналари томонидан тақдим этилаётган маҳсулотлар эса гоёта харидордир, энг муҳими, халқаро сифат стандартларига мос эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Юртингиздаги турдош корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ниятидамыз.

Мамлакатимиздаги қулай сармоёвий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳага замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаётди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон озиқ-овқат sanoati ва қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари маҳсулотлари ҳам экспозицияларда кенг ўрин эгаллаган. Салкин ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларнинг қўшимчаларини ишлаб чиқарадиган «Mehtigiy», «Spring Mycelium Land», «Good Food Group», «Lazzat Karamel», «Vazira Business», «Sladus Produce» корхоналари шулар жумласидандир. Улар вафли, печене, шоколад, конфет каби кенг турдаги қандолат маҳсулотларини,



ёғ-мой маҳсулотлари, музқаймоқлар, чой навларини намойиш этмоқда. Навоий машинасозлик заводи, «United Food Machinery», «Vniks», «Furkan Max», «OS» каби корхоналар стендларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сақлаш ускуналари тақдим қилинган.

— 2011 йилдан бунён фаолият юритаётган корхонамизда илгор технологиялар асосида карамеллар, шоколад ва вафлилар ишлаб чиқарилмоқда, — дейди «Lazzat Karamel» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонасининг молиявий ишлар бўйича директори Саидмақал Жабборов. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тадбиркорларнинг эркин ва фаол иш юритиши учун яратилган қулай шарт-ш

роит ва кенг имкониятлар муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Корхонамиз дастлаб йигирмага яқин турдаги ширинликлар ишлаб чиқарган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич олтинчи бешга етди. Маҳсулотларимизнинг сифати, кўриниши хорижийдан асло қолишмайди. Айни пайтда улар қатор давлатларга экспорт қилинмоқда. 2015 йили 1200 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқардик. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ошириш ниятидамыз. Ушбу кўрсаткичлар маҳсулотларимизни истеъмолчиларга кенгроқ таништириш, ишбилармонлар билан ҳамкорлик ўрнатишга хизмат қилади.

Халқаро кўрсаткичларда Хитойнинг «Zhengzhou Dingsheng Machine», «Big

Herdsman» компаниялари ёғ ишлаб чиқариш ҳамда паррандачиликда қўлланиладиган ускуналарни, Франциянинг «Icaras» компанияси қадоклаш технологияларини намойиш этмоқда. Музқаймоқ ишлаб чиқариш ускуналарини намойиш этаётган Австрия ва Италия компаниялари стендлари ҳам кўрсаткичларини намойиш қилмоқда.

— Компаниямиз Ўзбекистон билан 2012 йилдан бунён ҳамкорлик қилиб келмоқда, — дейди Хитойнинг «Big Herdsman» компанияси савдо директори Лиу Жун. — Мамлакатингизда ўтказилаётган халқаро кўрсаткичларда мунтазам қатнашамиз. Корхонамиз бройлерларни автоматик озиклантириш ускуналари, паррандачилик соҳаси учун вентиляция ҳамда буғлантириш тизимлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шугулланади. Ўзбекистонда хорижий ишбилармонлар учун жорий қилинган имтиёزلардан яхши хабардоримиз. Кўрсаткичларда иштирокчиларга музокаралар ўтказиш, битим ва шартномалар тузиш учун барча қулайликлар яратилгани бизга маъқул бўлмоқда.

Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимиз ишбилармонлари ва чет эллик ҳамкорлар ўртасида музокаралар ўтказиш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик истикбодларини белгилаш, икки томонлама манфаатли шартномалар имзолаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

Жиззах томонларда

Ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркаси

Жиззах шаҳридаги Транспорт, алоқа касб-хунар коллежидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида вилоятдаги қирқдан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Ихтисослаштирилган маъмур меҳнат ярмаркасида ахборот-коммуникация тизимига мутахассис етказиб берувчи вилоятдаги еттига касб-хунар коллежи битирувчилари иштирок этди.

— Ушбу тадбирда «Ўзтелеком»нинг худудий корхонаси билан бевосита меҳнат шартномаси тузишга эришганимдан хурсандман, — дейди коллеж битирувчиси З.Босимова.

Вилоятда ахборот-коммуникация тизими бўйича бу йил 1764 нафар ўқувчи касб-хунар коллежларини тамомлаётди. Шундай ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркаларининг ўтказилиши битирувчиларга қўл келиши аниқ.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

«Ёш қутқарувчилар» мусобақаси

Баҳмал маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан тумандаги коллежлар ўртасида «Ёш қутқарувчилар» мусобақаси ўтказилди.

Унда ўқувчилар бешта шарт бўйича ўзаро куч синашди. Беллашув якунига кўра Баҳмал маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг «Ёш қутқарувчи» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Узунбўлоқ маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг «Амир Темур» ҳамда Баҳмал ихтисосий-иқтисодий ва педагогика коллежининг «Аппомиш» жамоаларига, учинчи ўрин эса Баҳмал қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг «Учкун» жамоасига насиб этди.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мамадали ҚУЛБОЕВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш,
савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари
ходимлари касабаси Республика
кенгашининг Жиззах вилояти бўйича
масъул ташкилотчиси

Ўқув машқи

Дўстлик туманида Қўмондонлик-штаб ўқув машқи бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги, фавқулодда вазиятлар давлат тузилмаси хизматлари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилот, корхона ва муассасаларнинг фуқаро мудофаси тузилмалари қатнашди.

Туман ҳокимлигида ўқув машқи ўтказиш тартиби белгиланиб, тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Сўнгра «Дўстликдон» АЖ худудидаги дон қабул қилиш майдонида фавқулодда вазиятлар давлат тузилмаси хизматлари, ҳаракатдаги йиғма механизация отряди куч-воситаларининг шай ҳолга келтирилганлиги ҳамда ўқув машқига тайёргарлик бўйича саф кўриги текширилди. Ушбу тадбирларда Ўзбекистон «Қизил ярим ой» жамиятининг Жиззах вилояти бўлими томонидан Дўстлик тиббиёт коллежидан ташкил этилган кўнгилчилардан иборат санитар дружиналари тўлиқ таркиб билан иштирок этди.

Тадбир доирасида эвакуация қилинган Ғафур Ғулум МФЙнинг 50 нафар аэтиёжман оилалари ҳамда ўқув машқида қатнашган кўнгилчиларга жамиятининг Жиззах вилояти бўлими томонидан маъсус совғалар топширилди.

Саид ДОНИШЕВ,
Ўзбекистон «Қизил ярим ой»
жамиятининг Жиззах вилояти
бўлими масъул ходими

Тараддуд



Айни кунларда юртимизда Наврўз олди шодиёналари авжида. Кумкўргондаги 100 дан ортиқ бошланғич ташкилотимизда умумхалқ байрамига ҳар қачонгидан қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Айём баҳонасида 10 га яқин умумтаълим мактаби ҳамда 30 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаси маъмурияти ва касба уюшмалари томонидан фахрийлар, беморлар, ногиронларнинг ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар топширилди. Мактаб ва МТМлар ҳовлисида мевали даҳлат кўчатлари ўтказилди. Аввал эъланларига ишлов берилди.

Норхўжа АБДУЛЛАЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси
Кумкўргон туман кенгаши раиси

Аграр соҳа истиқболли

Фермерга кўмак

Мамлакат иқтисодий ривожидан аграр соҳа салмоғи ҳиссаси йил сайин ортиб бораётти. Зеро, соҳани янада тараққий эттириш давр билан ҳамқадам ҳаракатланишни тақозо этади. Бу эса меҳнаткашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, малакасини ошириш, меҳнат шартномаларини яхшилаш, ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш каби муҳим масалаларга оғишмай амал қилиш демакдир.

Ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда фермер хўжалиқларида «Меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя ва меҳнатга оид муносабатлар» мавзусида ўқув-семинарлари ташкил этилди. Машғулотлар фермерлар кенгаши раислари, фермерлар, соҳага алоқадор мутахассислар иштирокида ўтганилиги ўзининг ихобий самарасини

берди. Кун тартибига киририлган «Қишлоқ хўжалигида ишлаб ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича фермернинг мажбуриятлари», «Фермер хўжалиқларида аъзоларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишда касба уюшмаларининг роли», «Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация

қилинган Конвенцияларини амалга оширишда фермерлар олдида турган вазифалар», «Фермер хўжалиқларида жамоа шартномаси орқали ишчи-ҳодимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишни ташкил этиш» каби долзарб мавзуларда ўқилган маърузалар қўллаб-қувватлашга оид йўналиш киритди.

Ўтказилган машғулотлар янги режалар асосида далага отланган фермерларнинг буғунги ва эртанги фаолияти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдусалом РАҲМОНОВ,
Аграр соҳа мажмуи
ҳодимлари касабаси
уюшмаси Республика
кенгашининг
Бухоро вилояти бўйича
масъул ташкилотчиси

Ўқув-семинар

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, ХМТ Конвенцияларидан келиб чиққан ҳолда тизимда меҳнат муҳофазасини янада такомиллаштириш мақсадида жойларда ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Ходим манфаати ҳимояда

Қорақалпоғистон КУТБ меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими томонидан Хўжайли туманида уюштирилган тадбирда фермерлик фаолиятини энди бошлаётган қишлоқ ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўп тармоқли фермер хўжалиқлари ташкил этишнинг афзалликлари, фаолият кўрсатаётган ишчиларнинг кўнглилигини таъминлаш борасида етарлича тушунчалар берилди. Шунингдек, фермер хўжалиқларида муносиб ва ҳавфсиз меҳнат шартномасини яратишга доир маърузалар тингланди. Мутахассислар томонидан соҳадаги айрим муаммолар ечимига доир тавсиялар билдирилди.

Тадбир очик мулоқот ва савол-жавобга бой тарзда ўтди.

Муротбой БЕКЕНОВ,
АСМ ходимлари касабаси уюшмаси Республика
кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича
масъул ташкилотчиси

дан тақдим этилган ҳужжатлар комиссия томонидан батафсил ўрганиб чиқилди ҳамда керакли тавсия ва тақлифлар билдирилди. Шунга кўра, ҳар бир тармоқ бўйича аниқланган «Энг яхши корхона», «Энг яхши касба уюшма қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинацияси ғолиблари кейинги босқичда иштирок этадиган бўлиши.

Р.МАҲАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар
касба уюшма ташкилотлари
бирлашмаси меҳнатни муҳофазаси
қилиш бўлими мудири

Танлов

Ғолиблар аниқланди

«Меҳнатни муҳофазаси қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона республика кўрик-танлови»нинг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

Танловдан мақсад ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларини олдини олиш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва ҳавфсиз меҳ-

нат шартини яратиши, шунингдек, меҳнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат ва жамоат назоратини таъминлашда ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада оширишдир.

Барча тармоқлар бўйича жами 87 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар томони-



Ҳашар — элга ярашар

Аграр соҳа мажмуи ходимлари касба уюшмаси Ёшлар кенгаши аъзолари пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Салар» маҳалласида ўтказилган умумхалқ ҳашарида уюшқоқлик билан иштирок этишди.

Ёшлар томонидан ҳудудда катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Ариқ-зовурлар тозаланди, 2 мингдан зиёд мевали ва манзарали даҳлат кўчатлари ўтказилди.

Х.БЕГМАТОВ,
Ёшлар кенгаши раиси

Жамоа шартномаси — амалда

Кўтаринки руҳда

Барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ижтимоий шериклик асосида тузилган жамоа шартномаларининг 2015 йилда бажарилиши ҳамда келгусидаги вазифаларга бағишланган меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишлари ўтказилмоқда.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Китоб туман кенгаши тизимидagi 85 та ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг ўтган йилда бажарилиши, 49 та ташкилот ва муассасада 2016 — 2018 йиллар учун янги жамоа шартномаларини қабул қилиш бўйича йиғилишлар ташкил этилди.

Кун тартибидagi масалалар муҳокамаси жараёнида жамоа шартномаларининг йиллик ижросини таҳлил этиш ва мажбуриятлар юзасидан иш берувчиларнинг шахсий масъулиятини ошириш, янгидан қабул қилинаётган жамоа шартномалари лойиҳаларини Меҳнат кодекси, Бош келишув, тармоқ ва минтақавий келишувларга мослаб ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда тасарруфдаги барча бошланғич касба уюшма ташкилотларига жамоа шартномасида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим бўлган Меҳнат кодекси моддаларига оид услубий

ва амалий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, Соғлом она ва бола йили муносабати билан жамоа шартномалари хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасини ташкил этишга қаратилган имтиёз ва кафолатлар киритилди.

Тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, касба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан жамоа шартномаларида белгиланган бандларни бажариш галдаги вазифаларимизнинг энг муҳимлари бўлиб, шунга қараб фаолиятимизга баҳо берилади.

Баҳриддин ЭГАМБЕРДИЕВ,
тармоқ ходимлари
касба уюшмаси
Китоб туман кенгаши раиси

Тақлифлар билдирилди, тавсиялар ҳам

Навоий давлат педагогика институтида ўтказилган конференцияда маъмурият ва касба уюшма қўмитаси ўртасида 2013 — 2015 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси кўриб чиқилди.

Даставвал, иш берувчи — институт ректори Холбой Ибрагимов маъруза қилди. У ўз сўзида ўтган йилда ходимлар ва талабалар учун яратиб берилган имкониятлар, спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирлар хусусида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг касба уюшмаси қўмитаси раиси Нормурод Бекмуродовнинг ҳисоботи тингланди.

Таъкидландики, аъзоларнинг 740 нафари ходимлар, 6356 нафари талабалар бўлган ташкилот томонидан жамоа шартномаси бандларини бажариш, ижтимоий-иқтисодий масалаларда қатор эътирофли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш

бўлими мутахассиси Азамат Абдуллаев, вилоят касба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси бўлим мудири Феруза Раҳимова, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шакарбой Эшматов ва бошқалар қўрилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Конференцияда иштирокчилар томонидан қатор тақлиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Руслан САБУРОВ,
«Ishonch» мухбири

Тинчлик, тотувлик, она табиатга муҳаббат айёми

Қ(1). Баҳорнинг дарақчиси сифатида эъзозланувчи бойчек ҳақидаги кўшиқларни бевосита йилбошида ўтувчи бойчек маросимининг бугунги кундаги акс-садоси дейиш мумкин. Бойчек маросими республикамизнинг деярли барча вилоятларида, баъзи жойларда қисқа урф-одат кўринишида, бир қатор худудларда фақат кўшиқ шаклида сақланиб келмоқда. Қадимий Бойчек маросими Жиззах, Галлаорол, Самарқанд, Ургут, Наманган, Андижонда болалар томонидан уюштирилувчи урф-одат шаклида сақланганлиги қайд этилган. Бунда болалар илк чиққан бойчекани олиб, худди Рамазон кўшигини айтагани каби хонадонма-хонадон юриб, куйидаги кўшиқни айтадилар:

Бота-бота бойчек,
Уйингизга чоч тилла,
Худойим ўғил берсин,
Отгинаси Раҳматилла...

Ёки:
Бака-бака-бот, бой тилла,
Эшигингизга ой тилла...

Хонадон эгалари бойчекчиларга худди Рамазон айтиб келувчиларга тортиқ берганидек, кўнгалларидан чиқариб ҳадялар улаштириш, болалар қўлидаги бойчекани тавоф этиб:

— Омонлик, омонлик,
Ҳеч кўрмайлик ёмонлик,
Дек олқилар айташган.

Тортиқ олганлар эса хонадон эгасига худди рамазончилар айтгандек тилак билдиришган. Аслида, бугун урфга айланган Рамазон айтиш одати Бойчек маросимининг тадрижий, ўзгарган шакли ҳисобланади.

Мавсумий маросимларнинг осмон эриктичилиги ҳаракатига уйғунлиги, ёз — кўкларнинг келиши Қамбар юлдузи, кишининг келиши Хулкар юлдузининг кўринишига боғлиқ эканлиги ҳақидаги тушунчалар халқ ўртасида кенг йўрилган нақл ва афсоналар орқали ҳам етиб келган. Бир нақдда айтилишича, ёзда Хулкар ер остига кириб кетган экан. Ана шундай кўнгалнинг бирида тўя, от, сир, ғар, эшак, қўй, эчки келиши, Хулкарни ер тагидан чиқармасликка аҳд қилишибди. Навбат билан Хулкар чиқадиган ерни



беркийтиб пойлаб турадиган бўлишибди. Эчкининг гали келганида унинг тоқати тоқ бўлиб, бу қачон чиқади, бир ўтлаб келай, деб яйловга кетиб, Хулкарни унутибди. Бир пайт келиб қараса, Хулкарнинг боши кўриниб, чиқиб келатганмиш. Эчки шошиб тўғини тешикча босибди. Хулкар унинг тўғини тешиб, осмонга учиб чиқиб кетган экан. Агар эчки вақтида олдини олганида, Хулкар ер остидан қўлиб, ҳамшира ёз бўлар экан.

Нима учун эчки? Нақддаги от, тўя эчки бошқа ҳайвонлар эмас, айнан эчки Хулкарни кўйиб юборди? Аслини олганда, эчки ёки улоқ бизда кўклар (ёз) тисоли ҳисобланади. Халқнинг тасаввурлар тизимида турувчи маросимлар, жумладан, фольклорда ҳам ҳар бир ҳодисанинг ўз тисоли ариятидан. Масалан, кўкларнинг зооморфик тисоли эчки бўлса, қиш мавсуминики бўри образидир. Ёз ва қиш маросимларида, нақл, айтим, кўшиқларда келувчи ушбу эчки ва бўри образлари ёз ва қишнинг рамзий-тисолий мазмунини аниқлаб келади. Эндилдиқка болалар фольклори намунасига айланган куйидаги тўртликка диққат қаратайлик:

Ёмғир ёғалоқ,
Эчки чақалоқ,
Бойнинг қизининг,
Қорни юмалоқ...

«Ёмғир ёғалоқ» — ёмғир ёғишга ҳозирлик кўрмоқда мазмунини берса, «эчки чақалоқ» мисрасидан ҳали эрта кўклар, эрта кўклар бўлгани билан ёмғир нимагадир кечикмоқда, деган маъно ташунилади. «Бойнинг қизининг» мисрасидаги «бой» образи эса Бободехон тисоли бўлиб, унинг қизи — урғу қадалган ердир. Кўшиқда бу ернинг «қорни юмалоқ»лиги айтилмоқда. Кўшиқ замиридаги маъно халқнинг «қорни юмалоқ», «икки қат» иборалари орқали билдирилувчи ҳомилага ишора қилмоқда. Яъни ер ҳосил ҳомиласига эгаллиги билдириляпти. Ушбу кўшиқ урғу тушган ердан экин ушиб чиқishi учун ёмғир кераклиги ҳақидаги халқ истақ-хоҳишини ифодаляпти. Бу кўшиқ кечикаётган ёмғирни қакриш учун ўтказилган маросим кўшигининг бизга ақсал омон қолган бир қисми, ҳолоқ.

Бир сўз билан айтганда, Наврўз байрами халқимизнинг қон-қонига синган, она сундидек муқаддас байрамдир. Наврўз билан боғлиқ удувлар, наврўз таомлари, байрамнинг ўттиш тартиби, барча-барчаси халқимизнинг миллий ўзлигини намоён этувчи маънавий ҳодиса, баржаёт анъана, асл қадрият ҳисобланади. Наврўз ҳамшира анъанавий жар ча-

кириш билан бошланган. Барча даврларда оммавий равишда катта майдонларда, сайлгоҳларда эър тантана билан нишонланган. Каттаю кичик, ёшу қари, эрқагу аёл — бутун халқнинг эъгу ниятлари, шодиёна олқийларининг қуввати кўшилиб, борлиқни ондан туғилгандай тозартиб, яшнатишга хизмат қилган. Байрамнинг тантана қилиниши, унда уюштирилган барча ўйин-томошалар, кўшиқ-рақслардан қутилган муддао ҳам ушбу мақсадга йўналтирляди. Фақат собиқ шўролар давридагина бу байрам қувғинга учради, уни миллат ҳаёти ва хотирасидан буткул ўчириб ташлашга ҳаракат қилинди. Шўроларнинг асл мақсади халқни қон ёдида муҳрланган хотирадан мосуво этиш, ўзлигини, қадр-қимматини билувчи авлодларнинг туғилишига йўл кўймайлик эди. Яратганга шўрлар бўлишсини, мустақилликдан сўнг бу байрам ҳаётда яна ўз ўрнини топди, янгича мазмун ва моҳият кашф этди. Чинакамига халқ сайли шодиёнасининг тантанасига айланди. Ўртбошимиз Исло Каримов айтганидек: «Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёрғу тўйгуларини, ўлмас руҳи ва маънавиятини ўзида ёрқин намоён этадиган энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиздир».

Наврўз шунчалик бир байрам эмас. Унинг миллат тарихи, фалсафаси, бадияти ва санъати, маданияти, мифология, диний ва дунёвий дунёқарашини, илмий тафаккур тарзини ўзида мўжассам этган қомусий бир айём эканлиги мустақиллик шарофати билан тилланди. Асл қадр-қимматини топиб замона билан ҳамқадам яшашда давом этмоқда.


Наврўз нафақат табиатнинг яшариши, балки инсон қалби, руҳияти ва тафаккур тарзининг ҳам янгиланишидир. Табиати англаш орқали киши ўзлиги, «Мен»лигини кашф этади, қалбида ўзига ишонч, эртанги кунга умид уйғонади. Шунинг учун ҳам бу байрам азалдан тинчлик, осойишталик, тотувлик, дўстлик, юртга, она табиатга меҳр-муҳаббатнинг таронаси, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, унинг тарихи ва маданиятига бўлган ҳурмати нишонаси бўлиб келган. Бугунги кунда баҳорий айёми ўзининг чинакам мазмунига эга бўлди, десак асло ҳато эмас.

Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлар доктори



Кашандаликка қарши дастур

Таиландда сигарет чекишни ташламоқчи бўлганларга ёрдам берадиган махсус смартфон дастури ишлаб чиқилди.



Гап шундаки, дастур смартфон эгасига тамаки чекишдан воз кечишга қарор қилганини ҳар қил йўллар билан эслатиб, уни қатъиятли бўлишга ундаб туради.

Маълум қилинишича, дастур iOS ва Андроид фойдаланувчилари учун беғул бўлиб, кашандаликдан қутулиш истагида бўлганларга фойдали маслаҳатларини дариг тутмайди.

Чекишни ташловчилар кун давомида чекилган сигаретлар сонини қайд этиб, ташлаш жараёни билан танишиб боради.

Сунъий панжа

АҚШлик олимлар узқандан туриб бошқариладиган роботлаштирилган манипулятор (мураккаб) ҳаракатларни бажарувчи қурилма) яратди. Унинг тузилиши одам панжасининг айнан нусхасидир, дея хабар қилмоқда The Medical.

Вашингтон университетиди тадқиқотчилари лазер ёрдамида панжа скелетини сканердан ўтказди ва 3D-принтерда суякларнинг айнан нусхаларини чоп этди. Пайларни полиэтилендан қилган ўта мустаҳкам симлардан ясади. Юмшоқ тўқималар ўрнини резина билан алмаштиришди. Мушаклар сифатида эса муҳандислар 10 та Dynamixel сервомоторидан фойдаланди.

Ҳаракатни назорат қилиш учун бармоқ кўчларига акс эттирувчи маркерларни улаштиди, уларнинг координатларини инфрақизил камералар билан жиҳозланган регистрация тизими қайд этиб боради.

Ҳосил бўлган манипулятор операторнинг қўлига кийиладиган датчиклар тизимига уланди. Механик жиҳаддан қўл билан деярли тўлиқ ўхшаш бўлгани туфайли, у катта аниқлик билан инсон қўли ҳаракатларини такрорлади.

Тадқиқотчилар манипуляторни нозик ҳаракатларни амалга оширишга яроқли қилиш учун уни мукамаллаштиришда давом этиш ниятида.



Реклама ва эълонлар

«Best realtor» МЧЖ Фаргона минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиби бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига «Marqilon tumanlariga qishloq ho'jaligini moddiy tehnikaviy ta'minlash» МЧЖнинг 11.03.2016 йилдаги 19-сонли бюртма хатига асосан, Маргилон шаҳар, Наҳирмат кўчаси, 5-ўйда жойлашган қурилиш эгаллаган майдон 3000,00 кв.м.дан иборат қаттиқ тўшамали асфалт майдон иншооти қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 45 464 328 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йилнинг 18 апрел кунини соат 14:00да бўлиб ўтади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охириг муддати: 2016 йил 15 апрел соат 17:00.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: — юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдога қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдога тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришноманида кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо қўлига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олд-сотиб шартномасини тузиш мажбурияти юклатилди. Дастлабки тўлов миқдори ва бошқа шартлар олд-сотиб шартномаси тузиш вақтида белгиланади. Талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 15 (беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фаргона минтақавий филиалининг ХАБ «Трастбанк» Фаргона филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО: 01123, СТИР: 303179580, х/р: 2020 8000 3004 3360 1012.

Савдо ташкилотчиси, савдога қатнашиш учун фўрмулалар қабул қилинадиган ва савдога қатнашиш маъноси: Фаргона шаҳар, Маърифат кўчаси, 21/1-уй. (Мулкда Фаргона вилоят Статистикасис рўйхатиди). Телефон: (99895) 402-54-75. www.emulk.uz, best.fergana@inbox.uz. Лицензия: FR-0025.

Хизматлар лицензияланган.

«IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ Сизларни 2016 йил 20 апрел кунини соат 11:00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиби бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига Наманган шаҳри, Қосонсой кўчаси, 22-ўйда жойлашган Наманган вилояти «ДАВУРУҒНАЗОРАТМАРКАЗ»га қарашли, марказ биносиде сақланган, 2004 йилда и.ч. «НЕКСИЯ» русумили, д/б 50-689-000 бўлган таъмиратлаб а/в **3544134 сўм** бошлангич баҳода қўйилмоқда.

Махзур автотранспорт воситаси 2016 йил 20 Апрель кунини сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2016 йил 27 апрель, 4-, 11-, 18 май кунлари соат 11:00да ўтказилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни махзур эътиборга олинган чоп этилган савдода бошлаб ҳар қунини (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00дан 17:00гача қаддан (тушлик вақти 12:00дан 13:00гача) қўида кўрсатилган мазнилда қабул қилинади ва 2016 йил 19 апрел кунини (тақририй савдолар учун мос равишда 2016 йил 26 апрел ва 3-, 10-, 17 май кунлари) соат 11:00да тўхталилади.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишу» асосан автотранспорт воситасига бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖнинг АИТБ «Илақ йўли» Наманган вилоят филиали, МФО: 01054, ИНН: 302948717, 2020800030032835001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўидаги ҳужжатларини топширишлари керак: аукцион савдосига қатнашиш учун ариза, юридик шахсларнинг тўлиқ ваколатли вакили тўғрисидаги гувоҳнома нусхасининг, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов вақти, ваколатли шахс қатнашса, уриятидан тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Иштирий қўшымча хизматлар курсатиш учун тўлов олинмади.

Қўшымча маълумот олиш ва савдо ўтказиш манзили:
«IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ,
Савдо ташкилотчиси: «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ, Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси 14-уй (Наманган вилояти Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биносининг 1-қавати, 7-қона), телефон: (0363) 227-19-07, (+99890) 642-85-05, www.autosavdo.uz, e-mail: info@autosavdo.uz. Гувоҳнома: № 07183.

Билдириш

«Ishonch» газетасининг 2016 йил 6 февралдаги 16-сониде чоп этилган эълон матнига мувофиқ 2016 йил 9-, 16-, 23-, 30 март, 6-, 13-, 20 апрел кунлари соат 11:00да ўтказилган белгиланган аукцион савдосига қиритилган «Наманган юк авто» ДУКга тегишли 3 та автотранспорт воситалари Сотувчининг 24-сонли хатига асосан савдолардан олинганлиги билдирилади.

Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HNMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИК ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарори ва Фаргона вилояти ҳокимиялигининг 10.03.2016 йил кунги 214-682/2- сонли топиригига ҳамда Учкўприк тумани ҳокимиялигининг 2016 йил 9-март кунги № 215-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи тайловга қўйилмоқда:

1. Автомобилларга газ тўлдирш компрессор шоҳбачаси (АТТҚШ) қуриш учун Учкўприк тумани, Учкўприк Шўбй, Х.Олимжон кўчаси худудида жойлашган 1 дон таниланган умумий ер майдони — 10 000,00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 4 896 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳамми Учкўприк тумани архитектура бўлими томонидан таяйланган шахарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шахарсозлик топшириги нусхаси танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришномате матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2016 йил 21 апрел кунини соат 18:00 да тўхталилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фаргона шаҳар, Ал.Фароний кўчаси, 7-ўйда жойлашган. Фаргона вилояти Касаба уюшмалари кенгаши биносининг мажлислар залида 2016 йил 22 апрел кунини соат 11:00 дан бошлаб очилади ва таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор қўлиб деб топилади.

Талабгорлардан бошлангич баҳода нисбатан энг юқори таклиф этилган сума, энг юқори киритиладиган инвестиция миқдори ҳамда яратиладиган янги ишчи ўринлар сонини инноватга олинади. Талабгорлар танлов ҳужжатларини

ни олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошлангич баҳосининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ипотека банк» Фаргона филиалидаги: МФО: 00544, СТИР: 207122519, 20208000104920609030 х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридеги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманоме билан бирга қўидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юрифтаган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисида закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидеги нусха; — танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фаргона вилояти, Фаргона шаҳар, Ал.Фароний кўчаси, 7-уй. Вилеят Касаба уюшмалари кенгаши биноси, 38-52-қоналар. Тел/факс: (8-373) 244-26-23, ielttsavdo@inbox.uz, www.1kms.uz Лицензия: № RR 0001. Хизматлар лицензияланган.

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиби бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

1. Савдога Қармана туман СИБ томонидан Навоий вилоят Ҳўжалик судининг 17.08.2012 йилдаги 21-1203/9367-нқро ҳужжатига асосан халталанган, Навоий вилоят, Қармана туман, «8-сон МКК-шўба» қорхонасига тегишли 2004 йилда и.ч. теχνик носоз, давлат рақами — 85 254 JAA бўлган «Матиз» русумили автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошлангич баҳоси — 4 890 392 сўм.**

2. Савдога Нурота туман СИБ томонидан, ЖИБ Нурота туман судининг 20.11.2015 йилдаги 1-155/15-нқро ҳужжатига асосан халталанган, Нурота туман А.Ласавий МЧЖда савдоланган 2010 йилда и.ч. теχνик носоз давлат боғиси — 85 959 ТВ бўлган «Нексия» русумили автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошлангич баҳоси — 5 024 100 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 20 апрел кунини соат 10:00

дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириг муддати: 2016 йил 18 апрел кунини соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Мулклар билан суд икρονчилари бўлими вакили иштирокиде бевосита билан чикиб танишиш мумкин. Савдо қўлига 5 иш кунини ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда қўидаги ҳисоб рақамга тўлади. Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, Жаҳраот кўчаси, 24-уй. Тел: (0-436) 22-4-64-31. www.mtl.uz. Гувоҳнома: № 1605.

Хизматлар лицензияланган.

«Turkiston Ixtisoslashgan Auktсион Savdo» МЧЖда аукцион савдоларида сотилган мол-мулклар рўйхати

№	Мулкнинг номи	Бошлангич баҳоси сўм	Сотилиш баҳоси сўм
1	Нексия д/р 01 603 DCA	4 084 000	5 500 000
2	Дамас 01 530 ZBA	5 596 000	7 000 000
3	Матиз д/р 01 976 GBA	6 010 000	7 050 000
4	BA3 21703-114-01 01 377 XBA	9 538 294	10 800 000

Гувоҳнома №005424

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖда 2016 йил 4 март кунини ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

Учтепа туман ҳокимлиги тасаруфдаги, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 26-даҳда, Зарғарлик кўчаси, 23-уй манзилида жойлашган, «Toshkent Sifat Surt» МЧЖга вақтинчалик фойдаланиш учун берилган мулкни мажмуаси (омборхоналар, ишлаб чиқариш цехлари ва бошқа мулклар) бошлангич баҳоси — 32 726 757944 сўм, сотилиш баҳоси — 33 810 000000 сўм. Хизматлар лицензияланган.

Шакарнинг ҳам ОЗИ ЯХШИ


Мобил телефонлар ва смартфонлардан кўп фойдаланадиган одамлар бошқаларга нисбатан кўпроқ ақли заифликка чалинади. Бу ҳақда hi-tech.mail.ru хабар бермоқда.



Хитойнинг Хебей вилояти анъанавий тиббиёт госпитали ансефалопатия бўлинимаси раҳбари Су Чжи-вей олиб борган тадқиқотлардан сўнг мобил алоқа воситаларидан меъйёрдан ортик фойдаланадиган одамларнинг хотираси заифлашадди, деган хулосага келди.

Бундан ташқари, кичик экранлардан фойдаланиш кўриш қобилиятига салбий таъсир ўтказадди. Смартфон фойдаланувчил

«ОҚ-ТОШ САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ



Барча юртдошларимизни яшариш ва нафосат, эзгулик ва меҳр-мурувват байрами — **НАВРЎЗИ ОЛАМ** билан муборакбод этади.

Улуғ ният, келажакка катта ишонч билан яшаётган халқимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайди. Соғлом она ва бола йилида тинчлик, фаровонлик ҳар бир юртдошимизнинг ҳамроҳи бўлсин!

AGROBANK

Барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий муборакбод этамиз. Наврўз оилангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ва бахт-омад олиб келсин.

“Агробанк” ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган “Мобил савдо” тизими орқали уяли телефонингиздан маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни содда ва тез амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.

CLICK

mobilsavdo

sodda va tez to'lov

AGROBANK

Мобил савдо белгиси мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки жамоаси

Ўзбекистон аҳлини яшариш ва янгилашни айёми
Наврўзи олам
билан қутлайди ҳамда юртдошларимизга

«Фаровон ҳаёт»
«Пойдевор»
«Самара»
«Омад»
«Ёшлик»
«Жозоба»
«Адолат»
«Оила жамғармаси»

номли янги омонат турларини тақлиф этади.

“Микрокредитбанк” сармоялари – тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматларида!

Тел.: 99871 202-99-99, www.mikrokreditbank.uz
Хизматлар лицензияланган.

«Кўнғирот сода заводи»
УНИТАР КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ
ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мал.лакатилиз аж.ини яшариш
ва янгилашни байрами —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан самимий қутлайди.

Байрам шодиёналари ҳар бир хонадонга файз-барака олиб кирсин.
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

MUASSIS:



2007-йил 11-январда
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
0116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir
Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liqin
Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek
Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan
Bedilov, Asror Ishanxodjayev,
Muhabbat O'rmonbekova,
Oksana Belousova, Timur Mamajonov
(bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba kunlari
chiqadi. Satovda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi
shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston
Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Qodirova
Navbatchi:
G.Norchayeva
Musahhlil:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma T — 315.
22725 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 20:00
Topshirildi — 20:30

1 2 3 4 6